



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 30 июль, № 154 (9325)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ «КЕЛАЖАК ЎЙИНЛАРИ»НИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 29 июль куни амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари Остона шаҳрида “Келажак ўйинлари” учинчи халқаро мусобақасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

“Барис Арена” муз саройида ўтказилган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва бошқа хорижий меҳмонлар ҳам қатнашди.

Маросим иштирокчиларига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин видеомурожаат йўллади.

Тадбирнинг тантанали қисмида фижитал-спортнинг мазмун-моҳияти, яъни рақамли беллашувларни анъанавий спорт турлари ҳамда жисмоний фаоллик билан бирлаштирувчи йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Мусобақанинг госяи ёшларни анъанавий спорт билан шуғулланишга даъват этишдир.

Давлатимиз раҳбари халқаро турнир иштирокчиларини қутлади.

Шу кунги спорт ва технологиялар вазирлари, дипломатик миссиялар раҳбарлари ҳамда бошқа юқори мартабали вакиллар иштирокида фижитал-спорт бўйича саммит ҳам бўлиб ўтди.

Биринчи “Келажак ўйинлари” 2024 йили Қозон шаҳрида ўтказилган. Унинг очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этган эди. Иккинчи турнир эса 2025 йилда Абу-Даби шаҳрида бўлиб ўтди.

Бу галги мусобақаларда Ўзбекистон вакиллари фижитал-футбол, лазертаг ва рақс йўналишлари бўйича беллашади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикасига амалий ташрифи якунланди.

Ўз.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ҚИРҒИЗИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 30 июль — 1 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон — Қирғизистон дўстлиги, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат кооперациясини кенгайтириш, транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқликни ҳамда маданий-гуманитар алмашинувларни ривожлантириш масалалари қўриб чиқилади.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

Саммит якунлари бўйича Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар тўпламини имзолаш режалаштирилган.

Ташриф дастурига мувофиқ, Президентимиз Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг норасмий Маслаҳат учрашуви ва бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши кўзда тутилган.

Ўз.А.

Ўзбекистон ва Қирғизистон: ТАРИХИЙ ЯҚИНЛАШУВДАН УМУМИЙ КЕЛАЖАК САРИ

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳри тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеали арафасида турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи икки давлат иқтисодий ва сиёсий алоқаларини мутлақо янги bosқичга олиб чиқиши қўлига теги.

Нуктаи назар

Саммит олдидан “Қирғизистон — Ўзбекистон: саноат кооперацияси, инвестициялар ва савдо” бизнес форуми ўтказилди. Унда 300 га яқин ийрик тадбиркор ва бизнес вакиллари иштирок этгани, қўрилиш материаллари, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, чарм-пойабзал, мебель, кимё ва пластмасса маҳсулотлари, фармацевтика, электр техникаси, савдо, импорт-экспорт, логистика, туризм ҳамда хизматлар соҳаларида ўзаро музокаралар ўтказилгани ангидан-янги лойиҳаларга йўл очди. Айниқса, Ўш вилоятида тўқимачилик-тикувчилик кластери ҳамда индустриал-логистик марказ барпо этиш каби аниқ лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишга келишиб олингани эътиборга молик.

Ушбу нуфузли бизнес учрашуви олдидан 21 июль куни Бишкекда икки мамлакат раҳбарлари ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон — Қирғизистон экспертлар кенгашининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди. “Ўзбекистон ва Қирғизистон: стратегик шериклик ва уни янада ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги анжуманда таҳлилчилар, расмий доира ва бизнес вакиллари чегарадаги эски баҳсларни эмас, балки сиёсий яқинлашуви қандай қилиб иқтисодий мазмун билан тўлдириш лозимлигини муҳокама этишди. Бунда иқтисодий йўналишга алоҳида эътибор қаратилди: ўн йил аввал ўзаро савдо айланмаси 100 млн. доллардан сал ошган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 1,2 млрд. доллarga яқинлашди. Ўтган йилнинг ўзида савдо ҳажми қарийб 40 фоизга ўсди.

Бугунги кунда томонлар шунчаки савдо айланмасини оширишдан чўқур саноат кооперациясини ривожлантириш ва қўшма ишлаб чиқаришларни йўлга қўйишга ўтаётгани қувонарли. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар шундай тараққиёт bosқичига етдики, эндиликда ҳамкорлигимиз муваффақияти юзга келаётган муаммоларни ҳал этиш қобилиятига эмас, балки очилаётган имкониятлардан биргаликда самарали фойдаланиш маҳоратига боғлиқ.

➡ 3

Депутатлар — ҳудудларда

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларидаги маҳаллалар, хонадонлар ҳамда ижтимоий-иқтисодий объектларда бўлиб, аҳоли билан очик ва самарали мулоқотлар ўтказмоқда.

Учрашувлар давомида Президентимиз раислигида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг 2026 йил биринчи ярми якунлари, шунингдек, ёқилиғи-энергетика соҳасини ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган видеоселектор йиғилишларида белгиланган топшириқлар мазмун-моҳияти кенг тушунтирилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган муҳим ташаббуслар, қабул қилинаётган қонунлар ва уларнинг аҳоли ҳаётидаги аҳамияти сайловчиларга етказилляпти. Шу билан бирга, жойлардаги мавжуд муаммолар атрофлича ўрганилиб, уларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар қўриломоқда.

➡ 2

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар! Аввало, сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон халқини юртимизда кенг нишонланаётган қутлуғ айём — Халқлар дўстлиги кўни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу қувончли байрамда кўп миллатли халқимизнинг олийжаноб интилишлари, амалий ҳаракатлари билан жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, миллатлар ва динлараро дўстлик, бағрикенглик ҳамда ҳамжиҳатлик бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз эканини янада чуқур ҳис этамиз.

Бугунги кунда юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари бир оила фарзандлари каби аҳил ва иноқ яшаб, мамлакатимиз раванкига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини барчамиз юксак қадраймиз.

Гоат ноёб ижтимоий ҳодиса бўлган бундай миллий-маданий хилмаҳиллик Янги Ўзбекистоннинг ҳар бир фўқароси, миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин ва фаровон яшайдиган инсонпарвар давлат сифатидаги ўрни ҳамда нуфузини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Кейинги йилларда “Бизнинг кўчимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда” деган эзгу гоя асосида юртимизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликнинг ўзига хос ибратли моделини яратганимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Хозирги вақтда миллатлараро муносабатлар соҳасида амалга ошираётган ислохотларимиз кўлами тобора кенгайиб, сифат ва мазмун жиҳатдан янги bosқичга кўтарилмоқ-

да. Бу борада қабул қилинган 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, Миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсати концепцияси фаолиятимиз самарасини оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда кўркам биноларда фаолият юритаётган 157 та миллий маданий марказ ва 46 та дўстлик жамиятининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Ушбу масканларда ўтказилаётган умуммиллий байрамлар, дўстлик кечалари, фестивал ва учрашувлар мамлакатимизнинг маданий кийфасини белгилайдиган муҳим маърифий тадбирларга айланиб бормоқда.

Юртимиздаги таълим муассасаларида ўқув жараёнлари етти тилда олиб борилмоқда, қардош тиллардаги мактаблар давлат ҳисобидан дарслик ва адабиётлар билан таъминланмоқда. Телерадиоканаллар орқали 12 тилда кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатилмоқда, 14 тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда.

Ўтган йили Халқлар дўстлиги кўни арафасида пойтахтимизда очилган Миллий маданий марказларнинг павильони халқаро жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилиб, кўлаб хорижлик меҳмонлар ҳам ташриф буюрадиган масканга айланди.

Пойтахтимиздаги “Янги Ўзбекистон” парки худудида “Бағрикенглик боғи”, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда этно ва сайёҳлик қишлоқлари ташкил этилгани мазкур йўналишдаги фаолиятни кенгайтиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Турли миллатга мансуб юртдошларимиз орасида ўнлаб депутат ва сенаторлар,

давлат ва жамоат арбоблари, таниқли ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт намоёндалари, бизнес вакиллари муносиб фаолият кўрсатаётгани, уларнинг 2 миң нафарга яқини Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирлангани мамлакатимизда ҳукм сураётган ижтимоий тенглик, адолат ва инклюзивликнинг амалий намунаси, десак, тўғри бўлади. Муҳтарам юртдошлар!

Беповён Марказий Осиё минтақаси халқларининг қадимдан муштарак мақсадлар асосида яшаб, меҳнат қилиб, тараққиёт борасида қандай улкан натижаларга эришганлари, бундай эзгу анъаналар кейинги йилларда янада кучайиб, янги bosқичга кўтариллаётганини барчамиз қўриб турибмиз.

Биз қўшни давлатлар билан дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган муносабатларимизни мустаҳкамлаб, стратегик шериклик ва иттифоқчиликни янада ривожлантирмоқдамиз.

Халқларимиз ўртасида эркин борди-келдилар, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар кенгайиб, янгича маъно-мазмун билан бойиб бораётгани, бундай ҳаётбахш жараёнларда Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни ва ҳиссаси борлиги, айниқса, диққатга сазовор.

Сўнгги йилларда сизлар билан, эл-юртимиз билан биргаликда халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида эришган ютуқларимизни янада бойитиш биз учун бундан буюн ҳам бош вазифа бўлиб қолади.

Барчамиз яхши биламиз, турли миллат вакиллариини ўзаро яқинлаштиришда санъат ва маданият ҳамиша маънавий кўприк

30 июль — Халқлар дўстлиги кўни

ТИНЧЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ПОЙДЕВОРИ



Инсон қадри улуғланган, миллатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч мустаҳкам қарор топган жамиятда тинчлик барқарор, тараққиёт изчил, келажак эса ишончли бўлади. Шу маънода, халқлар дўстлиги нафақат юксак маънавий қадрият, балки ҳар қандай давлатнинг барқарор ривожланиши ва фаровонлигини таъминлайдиган бекиёс кучдир.

30 июль — Халқлар дўстлиги кўни муносабати билан тайёрланган махсус саҳифамизда Янги

Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, халқлар ўртасидаги аҳилликни янада кучайтириш, Президентимиз раҳбарлигида қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва стратегик ҳамкорликка асосланган муносабатларни қарор топтириш борасида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар ҳақида сўз юритилади.

4-саҳифага қаранг. ➡

Йиғилиш

ПАРЛАМЕНТ ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари томонидан энергетика соҳасини ривожлантириш ва маҳаллалар фаолиятини янги bosқичга олиб чиқиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда парламент назоратининг мавжуд механизмларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Парламентнинг асосий вазифаси ижро ҳокимияти фаолияти устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш, давлат дастурлари ва қабул қилинган қарорларнинг ҳудудлардаги ижросини таҳлил этиш, аҳолини қийнаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг ечими бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Шу боис сенаторлар ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари жой-

лардаги муаммоларни тизимли ўрганиш, уларни бартараф этиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида амалий чоралар қўриши бугунги кўннинг устувор вазифасидир.

Олий Мажлис Сенатида айни шу масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Сенат Раиси Танзила Норбоева халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари билан учрашди.

➡ 2

ПАРЛАМЕНТ ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ



Мажлисда Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишларида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда парламентнинг иштироки, сенаторлар ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг назорат фаолияти самарадорлигини янада ошириш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, ёқилги-энергетика соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, электр ва газ таъминоти барқарорлигини таъминлаш, энергия йўқотишларини қисқартириш, ҳисобга олиш тизимидаги муаммоларни бартараф этиш ҳамда куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш масалалари ҳам атроф-лича муҳокама қилинди.

Ушбу соҳада амалга оширилган кенг қўламли ишларга қарама-сидан электр таъминотидаги узилишлар, авариялар сонининг ортиси, энергия йўқотишлари ва ҳисоблагичлар билан боғлиқ муаммолар аҳоли ҳамда тадбиркорларнинг асосли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Электр ва газ таъминоти барқарорлигини таъминлаш, энергия йўқотишларини қисқартириш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини ташкил этиш, зарур захира-ларни шакллантириш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш масалаларини доимий парламент ва депутатлик назоратида ушлаб туриш зарурлиги таъкидланди.

Ҳар бир сенатор ва маҳаллий Кенгаш депутатида бир ҳафта мўдатда ўз сайлов округидаги энергетика соҳасидаги ҳолатни жойига чиққан ҳолда ўрганиш, аҳоли билан учрашувлар ўтказиш, аниқланган муаммоларни масъул ташкилотлар

билан ҳамкорликда бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриш ҳамда уларнинг ижросини доимий назорат қилиб бориш юзасидан йўна-лишлар берилди.

Сенат кўмиталари зимма-сига маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорликда ҳудудларда ўрганишлар уюштириш, ти-зимли муаммоларни сайёр мажлисларда муҳокама қилиш ва республика дара-жасида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар юзасидан

тегишли тақлифлар киритиш вази-фалари юклатилди.

Учрашувда маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағал-ликни қисқартириш, микролойҳа-ларни амалга ошириш, ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини кўтариш ҳамда давлат хизмат-ларини аҳолига янада яқинлашти-риш бўйича вазифалар ҳам кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, маҳаллалар-да яратилган ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий имкониятларнинг самара-си, аввало, жойлардаги раҳбарлар-нинг фаолияти, ўзаро ҳамкорлиги ва шахсий масъулиятига боғлиқ.

Шу муносабат билан сенаторлар ва маҳаллий Кенгашлар депутатла-рига ўз сайлов округларидаги “ма-ҳалла еттилиги” билан тизимли ҳам-корлик қилиш, маҳаллаларда амал-га оширилаётган лойиҳалар ижро-сини жойига чиққан ҳолда ўрганиш ҳамда аҳолини қўйнаётган муаммо-ларни масъул идоралар билан ҳам-корликда ҳал этиш бўйича тавсия-лар берилди.

Мустақиллигимизнинг 35 йилли-ги муносабати билан эълон қилин-ган “Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги” доирасида маҳал-ларнинг ободонлаштириш, хавфсиз ва озода муҳит яратиш ишларига аҳолини кенг жалб этиш муҳим ва-зифалардан бири экани алоҳида таъкидланди.

Муҳокама якунида Президентим-из томонидан белгиланган вази-фаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш, парламент ва депутатлик назорати самарадорли-гини янада ошириш, маҳаллий Кен-гашларнинг назорат ваколатлари-дан тўлиқ фойдаланиш ҳамда аҳоли муурожаатлари билан манзилли иш-лаш бўйича аниқ йўналишлар бел-гилаб олинди.

Сенаторлар — ҳудудларда

Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисларида муҳокама этилган долзарб масалалар ҳамда қабул қилинган қонунларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли фаровонлигини оширишдаги аҳамияти ҳақида батафсил маълумот бериш, шунингдек, муаммоларни ўрганиш мақсадида Сенат аъзолари ҳудудларда учрашувлар ўтказмоқда.

Муаммолар маҳалланинг ўзида ҳал этилади

Хусусан, Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси раиси Эркин Гадов-нинг Бухоро вилояти, Шофиркон туманида бўлиб ўтган очиқ мулоқотида сайловчилар-нинг муурожаат ва тақлифлари эшитилди. Кўтарилган масалаларни ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилиб, қўшимча ўрганишни талаб қиладиган муурожаатлар на-зоратга олинди.

Шундан сўнг сенатор ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлиқни ривожлантириш ҳамда камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар билан яқиндан танишди.

Ўрганишлар давомида мавжуд муаммолар ва имкониятлар таҳлил қилиниб, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадал-лаштириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли даромадларини оширишга қара-тилган тақлиф ва тавсиялар берилди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масала-ри кўмитаси раиси Одилов Мамакаримов Наманган вилоятида бўлиб, Президентимиз раислигидаги видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижросига бағишлан-ган учрашув ўтказди.

Унда “маҳалла еттилиги” фаолияти, аҳоли муурожаатлари билан ишлаш, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бора-сида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Бўлиб ўтган сайёр қабулда эса фуқаро-лар муурожаатлари тингланди. Унда ижтимоий ҳимоя, коммунал хизматлар, ер ва мулк муносабатлари, уй-жой, тадбиркорлик ҳамда ҳуқуқий йўналишдаги муурожаатлар кўриб чи-қилди. Айрим масалалар жойида ҳал этил-ган бўлса, қўшимча ўрганиш талаб қиладиганлари назоратга олинди.

Сайёр қабул якунида “маҳалла еттилиги” га аҳоли муурожаатлари билан манзилли иш-лаш, муаммоларни маҳалланинг ўзида ҳал этиш ва шахсий масъулиятни янада кучайти-риш бўйича тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР



«Маҳалла еттилиги» фаолияти таҳлил қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятوف Хоразм вилоятининг Урганч туманида ижтимоий соҳа объектларини ўрганмоқда, сайловчилар, аҳоли ва-киллари билан учрашувлар ўтказмоқда.

Фракция раҳбари дастлаб тумандаги 38-умумтаълим мак-табида бўлиб, реконструкция ишларининг бориши билан танишди. 1000 нафардан зиёд ўқувчилар таълим оладиган ушбу мактаб депутатлик овози билан “Ташаббусли бюд-жет” доирасида тўлиқ капитал таъмирланмоқда. Мутасад-диларга белгиланган режа-жадвал бўйича таъмирлаш иш-ларини сифатли ҳамда ўз вақтида амалга ошириш, янги ўқув йили учун тайёргарлик жараёنларини самарали ташкил этиш масалалари юзасидан тақлиф-тавсиялар бе-рилди.

Улуғбек ИНОЯТОВ, фракция раҳбари:



— Тумандаги Арбоблар маҳалла-сида “маҳалла еттилиги” билан му-лоқот ўтказдик. Сухбат чоғида ёшларни касб-хунарга ўқитиш, хо-тин-қизларнинг иқтисодий фаолли-гини ошириш, эҳтиёжманд оилалар-ни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ўз ишини йўлга қўймоқчи бўлган фуқа-роларга ҳар томонлама қўлай ша-роит яратиш йўналишларидаги ишлар таҳлил қилинди, кел-гусидаги вазифалар, режалар ҳақида фикр алмашидик. Шу-нингдек, маҳалла вакилларининг муурожаатларини тингла-дик, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда мутасадди таш-килотлар билан ҳамкорликда уларни ҳал этиш чоралари ҳам белгилаб олинди.

«Долзарб 40 кунлик» доирасидаги ишлар ўрганилди

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари Абдушукур Ҳамзаев Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус туманидаги ўрганишлари давомида аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромадини ошириш ҳамда эколо-гик барқарорликка хизмат қиладиган ижобий тажрибалар билан танишишга алоҳида эътибор қаратди.

Фракция раҳбарининг навбатдаги манзили туманнинг Дийқан арна маҳалласида истикомат қилувчи тажрибали асарларчи Бахтиёр Жумбаев хонадони бўлди.

Кўп йиллардан буён асарларчилик билан шуғулланиб ке-лаётган Б. Жумбаев ўз меҳнати орқали нафақат оиласин-нинг барқарор даромад манбаини яратган, балки маҳалла-да ҳалол меҳнат, тадбиркорлик ва меҳнатсеварликнинг иб-ратли намунасини ҳам намойён этиб келмоқда.

Хонадондаги фаолият билан танишиш чоғида асарлар-ни парваришлаш, асал етиштириш ва маҳсулотни қайта ишлаш жараёнлари кўздан кечирилди. Шунингдек, асални замонавий талаблар асосида қадоқлаш тизими йўлга қўйил-ган, бу эса маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш, истеъмолчилар ишончини мустаҳкамлаш ва янги бозор-ларга чиқиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қили-ши таъкидланди.

Учрашув давомида фракция раҳбари мамлакатимизда экология, “яшил” иқтисодиёт ва аҳоли фаровонлигини таъ-минлашга қаратилган ислохотлар изчил давом этаётгани-ни ургулди.

Абдушукур ҲАМЗАЕВ, фракция раҳбари:



— Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғили-шида маҳаллаларда “Долзарб 40 кунлик” доирасида мутлақо янги иш тизимини йўлга қўйиш, кўчалар ва хонадонларни обод этиш, дароҳт ҳамда кўчатлар экиш, ариқларни тозалаш, экологик маданиятни юксалти-риш каби устувор вазифалар бел-гилаб берилди. Ўрни келганда айтиш керакки, асарларчи-лик айнан ана шу вазифаларнинг ижросига хизмат қиладиган муҳим соҳалардан бири ҳисобланади. Чунки асарлар нафақат шиғоббах маҳсулот етиштириш манбаи, балки ўсимликларнинг табиий чангланлишини таъминлаб, ҳосил-дорлиқни оширади, биохилмаҳилликни сақлаш ва экологик мувозанатни таъминлашга ҳам ҳисса қўшади. Шу билан бир-га, бу соҳа қийноқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромадини кўпайтириш ва тадбиркорлиқни ривож-лантиришнинг самарали йўналишларидан бири ҳисобланади.

Энергия таъминоти ва тежамкорлик бўйича тавсия берилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Вasiла Фаизиева Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги “Ширин” ва “Заргарлик” маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, “ма-ҳалла еттилиги”, фаоллар ва сайловчилар билан самимий мулоқотлар ўтказди.

Сухбатлар чоғида давлатимиз раҳбари томонидан ёқилги-энергетика соҳасида энг муҳим вазифа аҳолини электр энергияси ва табиий газ билан барқарор таъминлаш, энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш, тармоқлардаги техник йўқотишларни қисқартириш, яхши интизоми ва масъ-улиятни кучайтиришдан иборат экани алоҳида қайд этил-гани таъкидланди. Шу нуқтаи назардан, маҳаллаларда куз-қиш мавсумига тайёргарликни сифатли ташкил қилиш, аҳоли муурожаатларини тезкор кўриб чиқиш ҳамда энергия тежамкорлиги маданиятини юксалтириш устувор вазифа-лар сифатида ургуланди. Халқ вакили ушбу масала юзаси-дан ўз тавсияларини берди.

Депутат мулоқотларда ушбу вазифаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш баробарида маҳаллалардаги мав-жуд муаммолар, коммунал хизматлар сифати, инфрату-зилмани яхшилаш, бандликни таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан фуқароларнинг фикр ва тақлифларини тинглади, шунингдек, ўз тавсия-ларини берди.

Vасила ФАЙЗИЕВА, депутат:



— Ўрганишларимиз давомида ма-ҳаллалардаги ўндан ортиқ хонадон-ларда бўлиб аҳолининг яшаш ша-роити, кундалик эҳтиёжлари ва мав-жуд имкониятлари билан яқиндан та-нишидик. Хонадон аъзолари билан са-мимий мулоқотлар ўтказиб, мамла-катимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, аҳоли фа-ровонлигини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар, яратилаётган имкониятлар хусусида фикр алмашидик. Бун-дай учрашувлар фуқароларнинг ҳаётий масалаларини бе-восита ўрганиш, уларнинг тақлиф ва ташаббусларини эшитиш ҳамда парламент назорати доирасида манзилли ечимлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аёллар бандлиги — халқ вакили эътиборида

Қонунчилик палатаси депутати Нигора Лутфуллаеванинг навбатдаги ўрганишлари Сурхондарё вилоятининг Жарқўр-гон туманидан бошланди.

Депутат тумандаги маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳ-тож оилаларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда аҳолининг турмуш даража-сини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Шунингдек, сайловчилар билан очиқ мулоқотлар ўткази-либ, олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, айнқиса, маҳалла тизими фаолиятини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, му-урожаатлар билан манзилли ишлаш ва ижтимоий ҳимояни кучайтиришга қаратилган давлат сиёсатининг мазмун-мо-ҳияти тушунтирилди.

Ўрганишлар давомида ҳудудда қатор йўналишларда ижо-бий натижаларга эришилгани қайд этилди. Айни пайтда айрим масалалар ечимини кутаётгани ҳам таҳлил қилиниб, масъулар иштирокида уларни бартараф этиш юзасидан амалий тақлиф ва тавсиялар билдирилди. Хусусан, маҳал-ла институтини самарадорлигини янада кўтартиш, ёшларни касб-хунарга йўналтириш, хотин-қизлар бандлигини кен-гайтириш, ижтимоий дафтарлар билан ишлаш сифатини ошириш ва аҳоли муурожаатларининг ижросини қатъий на-зорат қилиш зарурлиги таъкидланди.

Нигора ЛУТФУЛЛАЕВА, депутат:



— Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиш-ларида ҳар бир раҳбар олдида аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллалар-даги муаммоларни жойида ҳал этиш, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томон-лама қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ вазифалар қўйилмоқда. Буларнинг ижросини таъминлашда парламент ва депутатларнинг масъулияти муҳим роль ўйнайди. Шу боис биз, депутатлар жойларга чиқиб ислохотларнинг ама-лий натижаларини ўрганиб, давлатимиз томонидан яратилган имкониятларни аҳолига кенг тушунтиряпмиз. Қолаверса, сайловчиларимизни йўналантираётган масалалар-ни эшитиш ва уларнинг ечимига қўмақлаштишга ҳаракат қилаяпмиз. Зотан, Президентимиз белгилаб берган вазифа-лар ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон ҳаётида амалий натижа беришига эришиш учун барчамиз бирдек фаол иш-лашимиз лозим.

Муурожаатлар эшитилди, амалий ечимлар белгиланди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Эмма Аслонова, Мадина Баратова Бухоро вилоятининг Когон ту-манида бўлиб, фуқаролар муурожаатларини маҳаллий Кен-гаш депутатлари, давлат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда маҳалла фаоллари иштирокида кўриб чиқишди.

Баҳоуддин Нақшбанд номидаги маҳаллада ташкил этил-ган сайёр қабул давомида олтимидан ортиқ фуқаролар-нинг муурожаатлари эшитилди. Улар, асосан, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, кексаларни санаторийлар йўланмалари билан таъминлаш, чекка ҳудудларда дори-хоналар фаолиятини кенгайтириш, аҳоли бандлигига эришиш, ёшлар ва хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ажратиш, коммунал инфратузилмани яхшилаш каби ҳаётий аҳамиятга эга мас-алаларга оид бўлди. Айрим муурожаатлар шу жойнинг ўзида ҳал этилган бўлса, қўшимча ўрганиш талаб қиладиган масалалар депутатлик назоратига олиниб, масъу-ларга аниқ вазифалар юклатилди.

Сайёр қабул давомида маҳалла аҳли томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишларига ҳам юқори баҳо берил-ди. Хусусан, аввалги учрашувларда аҳоли томонидан кўта-рилган ички кўчаларни асфальтлаш, ташқи ёритиш тизим-ини янгилаш ҳамда Оилавий шифокор пункти учун янги бино қуриш каби масалаларнинг ижобий ҳал қилингани қайд этилди.

Ўрганишлар давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож оила-лар ҳолидан хабар олиниб, уларнинг эҳтиёжларини қонди-ришга қаратилган амалий ишлар ҳам бажарилди. Жумла-дан, суғориш тизимидаги муаммолар, уй-жойни таъмир-лаш, меҳнат қуроллари билан таъминлаш каби масалалар жойида кўриб чиқилиб, масъул ташкилотлар иштирокида ечимлар белгиланди.

Мадина БАРАТОВА, депутат:



— Бугунги ислохотлар маркази-да, аввало, инсон манфаати туриб-ди. Шу боис депутат учун энг му-ҳим вазифа — фуқароларни безов-та қиладиган масалаларни кабинет-да ўтириб эмас, балки одамлар ора-сига чиқиб, улар билан юзма-юз му-лоқот орқали ўрганиш. Когон туман-даги сайёр қабул ва ўрганишлар давомида ҳам шунга яна бир бор амин бўлдик. Zero, ҳар бир муурожаат ортида инсон тақди-ри, бир оиланинг дарди ва умиди муҳассам. Шунинг учун муурожаатларнинг ижросини таъминлаш, уларнинг ечими-гача етиб бориш парламент фаолиятининг устувор йўна-лишларидан бири бўлиб қолади.

«Халқ сўзи».

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Инсон қадрини улуғлаш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини қафолатлаш — юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади. Бу жараёнда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Чунки жамият тараққиёти, аввало, оиланинг мустаҳкамлигига, оиланинг таянчи бўлган аёлнинг билимли, соғлом, иқтисодий жиҳатдан мустақил ва ижтимоий фаол бўлишига боғлиқ. Zero, ҳар қандай давлатнинг тараққиёт даражаси унинг иқтисодий курساتчилари билан эмас, балки инсонга, айнқиса, аёлларга яратилган имкониятлар билан ҳам баҳоланади.

Мулоҳаза

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатади-ки, камбағалликнинг энг оғир таъсири, аввало, аёллар ва болалар ҳаётида на-моён бўлади. Шу боис мамлакатимиз-да камбағалликни қисқартириш сиёса-ти хотин-қизларнинг иқтисодий муста-қиллигини таъминлаш билан узвий боғ-лиқ ҳолда олиб бориляпти.

Сўнгги йилларда амалга оширилган энг муҳим ишлардан бири хотин-қиз-ларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қа-фолатлайдиган мустаҳкам ҳуқуқий асос-нинг яратилгани. Бу соҳада қабул қилинган қонунлар фақат миллий эҳти-ёждан эмас, балки мамлакатимиз зим-масига олган халқаро мажбуриятларнинг изчил бажаришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларидаёқ аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор халқаро ҳуж-жатларга қўшилган эди. Бирок кейинги йилларда айнан миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлашти-риш ишлари янги босқичга кўтарилди.

Хусусан, 2019 йилда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатлари тўғрисида”ги Қонун мамлакатимизда гендер тенглигини таъминлашнинг аниқ механизmlарини белгилаб берди. “Хотин-қизларни таъзим ва эъравон-ликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда эса оилавий эъравонлик учун жавобгарлик кучайтирилди, ҳимоя ор-дерлари институтини такомиллаштирил-ди, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, маҳалла ва ижтимоий хизматлар ўрта-сидаги ҳамкорлик мустаҳкамланди.

Бу каби қонунларнинг ҳаётга татбиқи



хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданияти-ни ошириш, уларнинг давлат ҳимояси-га ишончи қатъийлаштиришга хизмат қиладди.

Айтиш жоизки, “аёллар дафтари” ти-зими бу соҳада мутлақо янги амалиёт-ни шакллантирди. У орқали ҳар бир хо-тин-қизнинг муаммоси алоҳида ўрга-нилиб, унга ҳуқуқий, ижтимоий, психо-логик ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу ёндашув инсон тақ-дирига бефарқ бўлмаслик, ҳар бир оиланинг муаммосини жойида ҳал этиш тамойилига асосланади.

Мазкур тизим орқали ишисиз хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, доимий иш билан таъминлаш, тадбиркорлиқни йўлга қўйиш учун имтиёзли молиявий қўмак бериш, ижтимоий ва тиббий хиз-матларни ташкил қилиш, психологик ва ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, уй-жой, таълим ҳамда бошқа ижтимоий маса-лаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-лар кўрилкоқда.

Энг муҳими, бу ишларда давлат идо-раларига эмас, маҳалла, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол қатнашмоқда.

Янги Ўзбекистонда парламентнинг роли ҳам мутлақо кўтарилди. Олий Мажлис Сенати хотин-қизлар ҳуқуқла-рини таъминлаш, гендер тенглигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий ҳимоя ти-зимини такомиллаштириш бўйича қабул қилинаётган қонунларнинг ташаббуско-ри ҳамда фаол иштирокчиси сифатида майдонга чиқди. Айнқиса, ҳудудларда ўтказилаётган парламент назорати,

сайёр қабуллар, қонунлар ижросини ўрганиш ҳамда маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлик механизмлари орқа-ли хотин-қизлар муурожаатларига ама-лий ечим топиш тизими шаклланди.

Ҳудудларда аҳоли билан учрашиб, хотин-қизлар муурожаатларини тингла-ганимизда бир ҳақиқат янада ойдин-лашади: ислохотларнинг ҳақиқий қий-мати қабул қилинган ҳужжатлар сони билан эмас, балки инсон ҳаётидаги амалий ўзгаришлар билан ўлчанади. Қишлоқда янги ишга жойлашган аёл-нинг табиисуми, фарзанди олийгоҳга кирган онанинг қувончи, ўз тадбиркор-лигини бошлаган ёш қизларнинг орзула-ри, маҳаллада тинч ва барқарор муҳит-нинг шаклланиши — буларнинг барча-си ҳаётий ислохотлар самарасидир.

Хатто экологик жиҳатдан мураккаб ҳудудларда ҳам муносиб турмуш ша-роитини яратиш, инфратузилмани ри-вожлантириш, таълим ва тиббиёт си-фатини ошириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳамда уларнинг иж-тимоий фаоллигини кучайтириш орқа-ли катта ўзгаришларга эришиш му-кинлигини юртимизда амалга ошири-лаётган ишлар исботламоқда.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш фақатгина уларни ҳимоя қилиш, деган-и эмас. Бу — оила, маҳалла ва бутун жамият келажаги билан боғлиқ страте-гик вазифа. Оилада онанинг билимли, ҳуқуқий саводхон, иқтисодий мустақил ва ижтимоий фаол бўлиши фарзанд-лар тарбиясига, ёшларнинг дунёқара-шига, жамиятда соғлом муҳит шаклла-нишига таъсир кўрсатади.

Эндиги вазифа — эришилган ютуқ-ларни мустаҳкамлаш, ҳар бир хотин-қизнинг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун янада кенг имко-ниятлар яратиш. Zero, аёлнинг бахти — оиланинг бахти, оиланинг фаровон-лиги эса мамлакат тараққиётининг мустаҳкам пойдеворидир.

Шу маънода, Янги Ўзбекистонда ин-сон қадрини улуғлашга қаратилган ис-лохотлар, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар изчил да-вом этади. Парламент эса бу йўлда ўзи-нинг қонун ижодкорлиги, парламент на-зорати ва халқаро ҳамкорлик соҳаси-даги фаолияти билан муносиби ҳисса қўшади.

ТИНЧЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ПОЙДЕВОРИ

ТОТУВЛИК — ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

Жузигмгул АБДРАСУЛИЕВА,
Чимбой туманидаги «Гужимли» маҳалла фуқаролар
йигини раиси, «Дўстлик» ордени соҳиби:

— Мен қорақалпоқ фарзанди сифатида мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлар-аро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини энг катта бойлигимиз, деб биламан. Бу қадриятлар на-фақат мамлакатимиз тараққиёт-и, балки ҳар бир маҳалла, ҳар бир оиланинг фаровон ҳаёти учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда инсон қадрини ҳоқсалтириш, ма-ҳаллаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш сифатини яхшилашга қаратилган кенг қўлмали ислохотлар Қора-қалпоғистонда ҳам изчил амалга оширилмоқда. Бунчи биз ҳар куни ўз ҳаётимизда, урдаланаётган бунёдкорлик ишлари ва ярати-лаётган имкониятларда ҳис эт-моқдамиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонга ҳар бир ташрифи давомида



худудни барқа-рор ривожланти-риш, аҳоли фа-ровонлигини ошириш, ёшлар-ни хотин-қизлар-ни қўллаб-қув-ватлаш, маҳалла-лар инфрақузил-масини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ана шу эзгу сиёсат натижалари бугун респуб-ликанинг барча шаҳар ва туман-ларида, жумладан, Чимбойда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Гужумли маҳалласи мисолида айтадиган бўлсам, бу ерда тур-ли миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳи-тида яшаб, бир мақсад — Ватанимиз равнақи ва фарзанд-ларимиз келажаги йўлида меҳнат қилмоқда. Маҳалламизнинг энг катта бойлиги ҳам ана шу аҳиллик ва бирдамликдир.

Кейинги йилларда аҳоли турмуш даражасини янада яхши-лаш мақсадида қатор амалий иш-лар бажарилди. “Ташаббусли бюд-жет” дастури доирасида маҳалла ички йўлларининг бир қисми ас-фальтланди, томорқа ерларини суғориш учун сув насоси ўрна-тилди. “Камбағалликдан фаровон-лик сари” дастури асосида “Жам-бас жап” каналида бетонлаш иш-лари амалга оширилди, электр таъминотини яхшилаш мақсади-да янги бетон устунлар ўрнати-либ, электр тармоқлари янгиланди.

Мамлакатимизда ҳар бир мил-латнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва аъёналарини асра-б-авайлаш, уларни ривож-лантириш учун барча шароитлар яратилган. Қорақалпоғистонда ҳам миллий қадриятлар, она ти-лимиз, адабиётимиз, санъатимиз ва бой маданий меросимизни муҳи-тида яшаб, бир мақсад — Ватанимиз равнақи ва фарзанд-ларимиз келажаги йўлида меҳнат қилмоқда. Маҳалламизнинг энг катта бойлиги ҳам ана шу аҳиллик ва бирдамликдир.

ТАҚДИРИМИЗ ҲАМ, БАҲТИМИЗ ҲАМ БИР

Жалғас ЖУСИПОВ
(Томди туманидаги Томдибулоқ овули):

— Томди туманимизда Балки Базар, Кушекбай жиров, Батирбай, Есеусин, Қалдаш, Утеп Тансиқбаев, Совет Жа-манғараев, Календар Бейсенбаев, Аб-димурат Жанахметов каби жировлар яшаб, қозоқ халқининг терма ва дос-тоңларини авлоддан-авлода етказиб келган. Бугун саксон ёш остонасида уларнинг аъёнасини Қизилқум кенг-ликларида давом эттириш каминага насиб қилиб, фаолиятимда устозлик мартабасига эришдим. Албатта, бу мамлакатимизда халқимизнинг урф-одат, аъёна ва қадрият, санъат ва маданиятига самимий ҳурмат ҳамда эътибор самарасидир.

Яратганинг инояти билан ўзбек ва қозоқ халқи қадим-қадимдан қўшни яшаб, орзу-ниятлари, эртанги кундан умид ва мақсадлари қоришиб кетган. Мустақиллиқнинг синовили йилларида бу кўзга янада аққол ташланди. Ай-ниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Қозғистоннинг чинакам бир-бирига ақинлашгани ўзаро елкадошлиқда янги даврни бошлаб берди.

Бугун Навоий вилоятида 70 дан



ортиқ миллат ва элатлар вакиллари истиқомат қилиб, таъ-лим олти тилда олиб борилади. Қозоқ тилида 59 та мактаб фаолият юритади. Айни чоғда, қозоқ миллий ма-даний маркази вилоятдаги ўндан ортиқ миллий маданий марказларнинг энг йи-ригидир. Турли тадбирларда миллий бағрикенгликни тарғиб этиш, қозоқ халқининг қадрият, урф-одат, аъёна-ларини асраб-авайлаш ва кейинги авлодга етказиш, фарзандларимизни ёшлагидан барча миллат вакиллари-га ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳаракат қиляпмиз.

Бугун мамлакатимизда кечаётган ян-гиланишларда турли миллат вакилла-ри қатори қозоқларнинг ҳам фаол иш-тироқ этаётгани уларнинг эл-юрт тақ-дирига дахлдорлик ҳисси билан яшаётгани, ўзаро ҳамжиҳатлиқни энг катта бахт деб билаётгани ифодасидир.

ШУ ЮРТДА ЯШАЁТГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Рамал МИРЗОЕВ,
Самарқанд вилояти озарбайжон миллий маданий
маркази раҳбари:

— Ўзбекистон — бой тари-хи, қадимий маданияти ва бе-тактор руҳиятига эга ўлка. Ле-кин унинг энг катта бойлиги одамлари ўртасидаги ҳамжи-ҳатлик, ўзаро ҳурмат, сами-мият ва дўстлик муҳитидир.

Фаолиятимиз давомида ўзбек ва озарбайжон халқ-лари тақдири қанчалик уз-вий боғланиб кетганига так-рор-такрор ғувоҳ бўламиз. Чексиз ифтихор ва ҳажжон билан айта оламанки, Ўзе-

кистонда яшаётганимдан фахрланаман ва ўзимни ушбу икки қардош халқ фарзанди деб биламан.

Бу заминда умрим даво-мида, заррача бўлса ҳам, ўзимни бегона ҳис қилма-ганман. Қандай масала ёки ташаббус билан муружаат этмайлик, биз ҳар доим са-мимий ҳурматни, ҳар то-монлама қўллаб-қувватлаш-ни қўрамиз. Ушбу ишонч ва хотиржамлик ҳисси тасодиф



эмас. Бу миллатлараро то-тувликни мустаҳкамлаш, ҳар бир халқнинг аъёналарини асраб-авайлаш ҳамда фуқ-арлик жамияти институтла-рини ривожлантиришга кат-та эътибор қаратаётган Ўзбекистон Президентининг оқилона ва вазимн сиёсати натижасидир.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ИЖОБАТИ

Галина АКОПЖАНОВА,
Фарғона вилояти славян миллий маданий маркази раҳбари:



— Айни пайтда Фарғона вилоятида 8 та миллий маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Бу бора-даги эзгу ташаббус-лар доирасида яқин йилларда Фарғона шаҳрида муҳташам “Дўстлик уйи” қад ростлади. Славян

миллий маданий маркази фаоллари

учун ҳам ушбу масканда замонавий

шароитлар муҳайё этилган. Барча мар-

казлар янги автомашина, энг сўнгги

русумдаги ахборот-коммуникация те-

хнологиялари билан таъминланган.

Миллий қадрият ва аъёналаримиз-

ни асраб-авайлаш, ўз навбатида, қар-

дош халқлар урф-одатларини тарғиб этиш мақсадида марказ қошида фольклор жамоалари, хаваскорлар театри ғуруҳи, болалар ансамбли фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиз-нинг миллий байрамлари, қўтуғ сана-лар муносабати билан уюштирила-диган тадбирларда қатнашамиз.

Ёшларга кўрсатилётган ғамхўрлик туфайли марказимиз аъзолари бўлган навиқрон авлод вакиллари юртимиз ва халқаро миқёсдаги олимпиадалар, спорт мусобақалари, ижодий танлов-ларда ғолиб бўлмоқда. Биргина жо-рий йилнинг ўзида марказимиз аъзо-лари АҚШ, Буюк Британия, Италия, Россияда бўлиб ўтган қатор нуфузли тадбирларда юртимиз шарафини му-носиб ҳимоя қилишга муваффақ бўлди.

ЭЗГУЛИК АСЛО УНУТИЛМАЙДИ

Ли РОДИОН,
Бухоро вилояти корейс миллий маданий маркази раҳбари:



ўша пайтдаги шўролар тузуми уларни мак-буран Ўрта Осиёга кўчирди.

Кексаларимизнинг ҳикояларидан яхши биламизки, ана шундай мушкул дамларда маҳаллий аҳоли, хусусан, ўзбеклар корейс-ларга меҳр-оқибат кўрсатишган. Озиқ-ов-қат, уй-жой таъминотида кўмак беришган. Бир майизни қирқ бўлиб ейишган. Биз бу эзгуликни ҳеч қачон унутмаймиз.

Дарвоқе, 2017 йилнинг 3 июлида Тош-кентдаги Сеул парки худудида ўзбек халқи-нинг бағрикенглиги, меҳру саховати шара-фига қавмимиз номидан миннатдорлик

рамзи сифатида монумент ўрнатилган.

Корейслар меҳнатсеварлиги билан танил-ган. Улар орасидан қўллаб шиқоркорлар, ўқитувчилар, муҳандислар, олимлар, тадбир-кору санъаткорлар етишиб чиқди. Корейс ошонаси маҳаллий маданиятнинг ажралмас бир бўлагига айланди. Биз қарийб тўқсон йилдирки, ўзимизнинг маданиятимиз, урф-одатларимиз, тилимиз, қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб қеляпмиз. Бунинг учун мамлакатимиз, жумладан, Бухорода барча шарт-шароитлар яратилган. Марка-зимиз вилоятда яшовчи корейсларни ўз ат-рофига жамлаб, истиқлол байрами, Наврўз айёми, шунингдек, турли саналар муноса-бати билан ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Юртимизда яшовчи тур-ли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда ўзига хос кўприк вазифасини ўтаётяпти. Биз бундан кейин ҳам Ватанимиз — Ўзбекистон иқти-содиёти, маданиятининг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

ЯГОНА ВАТАНДА ЯГОНА ХАЛҚМИЗ!

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ,
Республика қирғиз миллий маданий маркази
фаоли, «Машъал» газетаси бўлим мудири:



— Серкүёш Ўзбекистон — барча-мизнинг киндик қонимиз тўқилган та-барруқ замин, муқаддас Ватан. Ота-боболаримиз қадим-қадимдан бир эл бўлиб, шу маконда ашаб келган. Бир-ғалиқда яхши кўнларда қувонган, дар-ду ташвишларни ҳам бирғалиқда бо-шидан кечирган. Инчунин, ўзбек ва қирғиз халқлари эту тирнок, бир тану бир жондир.

Бир-бирини бир зум кўрмаса соғи-ниб, бир-бирининг дийдоридан қувонадиган, асрлар даво-мида оға-ини ва опа-сингил бўлиб, ўртадаги дўстлик риш-таларини мустаҳкамлаётган, икки халқ ягона Ватанда қад-дон қўшни, қуда-анда бўлиб тараққиётга юз тутмоқда. Бу, албатта, Ўзбекистонда миллатлараро дўстлиқни таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг қўлмали ишлар самараси, шу билан бирга, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ҳам-корлик, ҳамжиҳатлик мевасидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси, оқилона сиёсати ту-файли икки давлат ўртасидаги хираликлар тумандай тарқа-б кетди. Бугун ушбу мамлакатлар бирғалиқда ривожланиш-нинг янги даврига қадам қўймоқда.

Туркий халқларнинг буюк бобоқалони ҳазрат Алишер

Навоийнинг қабрини зиёрат қилиш жуда катта орзум. Шу-нингдек, атоқли қирғиз адаби, Ўзбек халқининг қадрдон дўсти

Чингиз Айтматов мангу қўним топган маскан зиёрати ҳам

орзу бўлиб келаётган эди. Очиғи, кейинги ўттиз йилда

Қирғизистонга борганимни эслай олмайман. Охириги йил-

ларда эса бир эмас, бир неча марта зиёратга, саёхатга

бориб келдик. Бир ғурух маҳалладошларимиз билан шу ҳафта

Исскиқўлга дам олишга бориш учун сафар тараддуида ту-

рибмиз. Буларнинг барчаси ўзаро ишонч, ҳамкорлик, дўстлик

ва тотувликнинг ҳосиласи.

Шу муқаддас замин — ягона Ватанда ягона халқ бўлиб,

янги ҳаёт ва келажақ яратишда бақадри имкон ҳаракат қила-

мас. Янги Ўзбекистоннинг ёруғ истиқболи учун барча имко-

ниятларимизни ишга соламиз.

ДЎСТЛИК ВА АҲИЛЛИК НАМУНАСИ

Қўшмурод ЁМФИРОВ,
Араб миллий маданий маркази ходими:



— Бизнинг Миришкор туманидаги Жей-нов маҳалласида юртимиздаги араб мил-латига мансуб аҳолининг энг катта диас-пораларидан бири яшайди. Шу боис ҳам бу ер Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча арабларнинг миллий қадриятлари, аъёна ва урф-одатлари туташган ман-зил сифатида тилга олинади.

Маҳалламизда 1991 йилда Араб мил-лий маданий маркази ташкил этилган эди. Бугун бу марказ қошида миллати-

мизнинг тарихи, тили, миллий ҳунармандчилиги, санъати, халқ оғзаки ижоди ҳамда куй-қўшиқларини сақлаб қолиш ва

кенг тарғиб этишга қаратилган қўллаб-қувватлаш ҳамда халқ

этнографик ансамбли фаолият юритмоқда.

Ўтган 35 йил мобайнида миллий қадриятларимизни тадқиқ ва тарғиб этиш борасида жуда кўп ютуқларни қўлга киритдик. Ўтган йили эса Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаро-лик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловда ўз лойиҳамиз билан иштирок этиб, 70 миллион сўм миқдордаги грант маблағи-ни қўлга киритдик. Лойиҳа доирасида марказимизнинг мод-дий-техник базасини янада мустаҳкамладик. Янги муסיқа асбоблари харид қилдик. Марказ қошида миллий араб ги-ламчилиги тўғрагини ташкил этдик. Бу ерда кекса авлод вакиллари томонидан ёшларга араби жуи ғиламларининг тўқилиш сир-асрорлари ўргатиб борилмоқда. Шунингдек, “Жейнов араби ғиламлари” китоб-альбоми ҳамда “Жейнов араблари шеваси” лугатларини нашрга тайёрладик.

Бу ишлар, албатта, мамлакатимизда ҳукм сураётган мил-латлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлиқнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани намунаси, деб биламан.

ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Дилноз УМУРЗОҚОВА,
Сирдарё вилояти Адлия бошқармаси
Хуқуқий ахборот шўъбаси
бош маслаҳатчиси:

— Қайси миллатга мансублигимиздан қатъи назар, энг катта бахтимиз — Ўзе-кстон фарзанди эканлигим. Болагим Сир-дарёнинг кўна Ховос кишлоғида ўтди. Ми-ллий қадриятлар ва аъёналарга бой муҳи-та улғайдим. Кейнчалик Гулистон шаҳрига келин бўлиб тушдим. Бу ерда ҳам турли мил-лат ва элат вакиллари — ўзбек, қозоқ, рус, корейс, татар ва бошқа халқлар билан бир маҳаллада аҳил-иноқ яшаб келмоқдамиз. Меҳр-оқибат, ҳурмат ва инсонийлик барча-мизни бирлаштириб туради.

2018 йилдан бўён Сирдарё вилояти Ад-лия бошқармасида меҳнат қиламан. Шу йил-лар давомида турли миллат вакиллари би-лан бир жамоада ишладим. Иш жараёнида ҳеч қачон миллат ажратилмаиди. Бу ерда инсоннинг ҳалоллиги, масъулияти ва Вата-нга садоқати қадрланади.

Мен тожик миллати вакили сифатида ўз миллий қадриятларимиз, она тили ва урф-одатларимизни сақлаб келмоқдаман. Шу би-



лан бирга, давлат тили — ўзбек тили ҳам қалбимга яқин тил. Икки халқнинг мада-нияти, қадриятлари ва аъёналари бир-бири-га қанчалик яқин экан-ини ҳар куни янада теран ҳис қиламан.

Бугун мамлаката-мизда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар вакиллари аҳил ва иноқ яшамоқда. Бу рақам ортида минглаб тақ-дирлар, миллионлаб орзу-умидлар ва энг му-ҳими, ўзаро ҳурмат муҳассам. Бу тинчлик ва тотувлик ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Уни асраш ва мустаҳкамлаш учун давлати-миз томонидан барча фуқароларга тенг ҳуқуқ ва кенг имкониятлар яратилмоқда.

Биз турли миллат вакиллари бўлишимиз мумкин, аммо бitta Ватан фарзандларимиз. Шу муқаддас юртнинг тинчлиги, тараққиёти ва келажаги учун бирғалиқда меҳнат қилиш барчамизни бирлаштириб турадиган энг олий қадриятдир.

«Халқ сўзи».

Тошкент шаҳрида майдони 5 минг метр квадратдан ортиқ савдо марказларида китоб дўконларини ташкил этишнинг мажбурий тартиби жорий қилинади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 19 626 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Қорқона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.50 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6